

**ЧОЧ ВОҲАСИНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ИҚТИСОДИЙ ВА
МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-33>

**Мухамедов Ёқубжон Қодирович,
Ўзбекистон Миллий университети докторанти**

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Тошкент воҳасининг илк ўрта асрлар даври иқтисодий - маданий алоқалари тарихини илмий асосда таҳлил қилиш ва ўрганишга қаратилган. Тошкент воҳасининг минтақавий ва халқаро савдо алоқаларидаги аҳамияти илмий адабиётлардаги маълумотлар таҳлили асосида ёритилган.

Калит сўзлар: Чоч, Суғд, Авесто, маданият, Илок, Чотқол, Қурама, Қорамозор, Яксарт, Зарафшон, урбанизация, Қанғ, Лашкарак, Қизилолма, Кукрел, Шовгаз, Ферузакон, Гулдуран.

**ИСТОРИИ КУЛЬТУРНЫХ И ЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ
ЧАЧА В ПЕРИОД РАННЕГО СРЕДНЕВЕКОВЫЯ**

**Мухамедов Якубджан Кадирович,
докторантура Национального университета Узбекистана**

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются торгово - экономические отношения Ташкентского оазисе эпохи период раннего средневековья. Анализируются региональные и международные торговые пути Ташкентского оазиса.

Ключевые слова: Чач, Согд, Авеста, культура, Чаткал, Курама, Карамазар, Яксарт, Зарафшан, урбанизация, Канг, Лашкарак, Кизилалма, Кукрел, Шавгаз, Ферузакан, Гулдуран.

**CHACH OASIS IN THE HISTORY OF THE EARLY MEDIEVAL
ECONOMIC AND CULTURAL TIES**


**Mukhamedov Yoqubjon,
doctorate Nationally University of Uzbekistan**

ANNOTATION

This article pays attention to study trade - economic relations of Tashkent oasis of early middle Ages. Regional and international trade relations of Tashkent oasis studied in based analyzing scientific literatures.

Key words: Chach, Sogd, Avesta, chotkol, Kurama, Karamazar, Yaksart, Zarafshan, urbanization, Kangyuy, Lashkarak, Kizilolma, Kukrel, Shavgaz, Feruzakon, Gulduran.

Чоч – Тошкент воҳаси географик жойлашувига кўра Марказий Осиёда асосан, иккита хўжалик типини ўзида мужассам қилган ҳудуд сифатида намоён қилади.




Яъни ушбу воҳа ҳудуди минтақанинг шимоли ва шимоли-шарқидаги кўчманчи чорвадорлар ҳамда жанубдан ўтроқ деҳқон этнослар орасида ўрин олганлиги бу ерда қадимдан савдо-сотик ва ҳунармандчилик соҳаларининг кенгайишига замин яратди. Айниқса, Чочнинг хорижий ўлкалар, хусусан, Хитой билан савдо алоқалар ўрнатганлигига доир хитой йилномаларида, воҳада ўнлаб шаҳарлар мавжуд бўлганлигига доир араб ва форс манбаларида маълумотларнинг учраши кузатилади. Ушбу маълумотларнинг, асосан, илк ўрта асрларга тааллуқлилиги бу даврда воҳада иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўсиш бўлганидан дарак беради. Хўш, бу воқеликлар айнан қандай тарихий жараёнлар билан боғлиқ эди?

Илк ўрта асрларга, яъни милодий V–IX асрларга назар ташлайдиган бўлсак, бу даврда дастлаб V–VI асрларда Марказий Осиёнинг муайян бир қисмида, хусусан, маркази Амударёнинг юқори ҳавзалари бўлмиш Эфталлийлар давлати, VI–VIII асрларда минтақанинг бутун қисмида ҳукмронлик қилган Турк хоқонлиги (552–744), VIII–IX асрларда эса Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга қўшни ҳудудларда араблар ҳокимияти мавжуд бўлган. Бу даврда Чоч Амударё–Сирдарё оралиғидаги муайян воҳа ҳукмдорликларидан бири сифатида у ёки бу даражада мазкур давлатлар таркибида ёки таъсирида бўлди. Гарчи, Эфталитлар давлатининг Чочдаги нуфузига доир ёзма манбаларда деярли маълумотлар учрамаса-да, Турк хоқонлиги ва араб ҳокимиятига доир айрим маълумотлар сақланиб қолган. Шу боис, бу даврда воҳанинг ижтимоий-сиёсий, этник ва иқтисодий-маданий ҳаёти ҳақида муайян тасаввурларга эгамиз. Хусусан, VI–VIII асрларда Чоч воҳаси Турк хоқонлиги таркибида бўлган пайтда бу ерда асосан 3 та йирик сулола – Чоч ҳукмдорлиги (VI–VIII асрлар), Чоч Тегинлари (605-750) ва Чоч Тудунлари (640-750) каби ҳукмрон сулолалар мавжуд бўлиб, улардан бир қисмининг шаклланишида Турк хоқонлиги иштироки катта эди [1]. Нафақат бу сулолалар, балки Турк хоқонлиги, аниқроғи, унинг ғарбий қаноти бўлган Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) фаолияти натижасида воҳа иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўсиш палласига киради[2].

Демак, Чочда илк ўрта асрларнинг муайян бир палласи – VI–VIII асрларда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан шундай бир вазият ҳукмрон эди. Воҳа тарихининг асосан шу палласига эътибор қаратган ҳолда олиб борилган тадқиқотлар натижаси ҳам бундан далолат бермоқда. Жумладан, Чоч воҳасининг трансминтақавий савдо алоқаларидаги тарихий фаолияти нафақат минтақавий балки хорижлик мутахассисларни эътиборидан четда қолмаган бўлиб, инглиз олими А. Стейн томонидан 1904 йилда Хитойнинг Дунхуан шаҳридан топилган суғдча ёзувдаги тарихий ҳужжатларда ҳам чочликларнинг савдо алоқалардаги фаолияти ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган[3]. Француз тадқиқотчиси Эътен де ла Вэсьернинг “Суғдийларнинг савдо тарихи” номли асарида чочликларнинг суғдийлар билан олиб борган савдо алоқалари ва савдода етакчилик қилувчи маҳсулотлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган[4].


Тошкент воҳасининг иқтисодий юксалиши кенг миқёсдаги савдо иқтисодий ва маданий алоқаларга туртки бўлди. Бу даврда воҳа орқали ўтувчи асосий карвон йўллари халқаро, шаҳарлараро ва ички аҳамиятга эга йўллар бўлиб, улар ичида Чочни Суғд билан боғловчи йўллар катта аҳамиятга эга эди. Ю.Ф. Буряков ёзма ва археологик маълумотларни қиёсий таҳлил қилган ҳолда, Чоч-Суғд савдо



йўллари йўналишларига кўпгина аниқликлар киритади. Хусусан, олимнинг таъкидлашича, илк ўрта асрларга Чоч-Суғд йўлларнинг икки йўналиши мавжуд бўлган. Биринчи йўл яқин, аммо қийин йўл бўлиб Самарқанд Жиззах-Мирзачўл орқали Чирчиқ дарёсининг Сирдарёга қўйилишидан пастрокда жойлашган Катта Қизтепа яқинидаги кечувга олиб келган[5]. Бу ердан йўл Чирчиқ дарёсининг чап воҳасидаги Чиночкат, Шутуркат, Эски Тошкент ва Заятикент бўйлаб Бинкатга йўналган. Суғдни Чоч-Илоқ воҳаси билан боғлайдиган иккинчи йўл узоқ бўлсада, хавфсиз ва серкатнов бўлган. Ёзма манбаларда «Банокат йўли» деб номланган бу йўл Суғддан Уструшона орқали Жиззах-Зомин-Ховос йўналиши бўйича кетган бўлиб, Ховосга жанубга бурилиб, Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўйиладиган жойдан юқорирокда жойлашган кечувга чиқарди. Бу ердан Харашкат – Худайнкат – Оҳангарон кечуви Чирчиқ водийси – Эски Тошкент орқали Чиначкат – Бинкат йўлигақўшилган.

Марказий Осиёнинг ривожланган ҳудуди Тошкент воҳасидаги иқтисодий-маданий ва урбанизацион жараёнлар босқичларни босиб ўтган. Бундай вазиятда асосий хўжалиги чорвачилик бўлган кўчманчи қабилаларнинг шарқдан ғарбий ҳудудларга оммавий кўчишига сабаб бўлди. Жумладан, қуйи Сирдарё ҳудудларидаги қабилалар юқори Сирдарёга, ундан эса ғарбга-Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига кўчиб ўтдилар. Натижада, милодий III асрга келиб қадимги йирик давлатлардан бири бўлган Қанғ инкирозга учрайди ва Қанғ иттифоқи таркибидан алоҳида, мустақил ҳукмдорликлар ажралиб чиқади. Айнан мана шу даврда ўрта Сирдарё хавзаси тарихий харитасида Чоч ҳукмдорлиги ва шу номли пойтахт вужудга келади. Чоч ҳукмдорлигининг тараққий этишида Марказий Осиёда ушбу даврда юз берган, иқтисодий-маданий ва сиёсий жараёнлар ҳам асосий ўрин тутаяди. Жумладан, Хитой империясининг ғарбий ҳудудларда ўз таъсир доирасини кенгайтиришга бўлган интилиши Ғарб, хусусан, Марказий Осиё билан савдо-иқтисодий алоқалар ривожига ҳам муҳим омил бўлди. Милодий 121 йилда хун қабилалари устидан йирик ғалабага эришгач, империя ғарбий ўлкаларни тўлиқ эгаллашга киришади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун Хитой императорлари томонидан ғарбий ўлкаларга йилига беш-олти, баъзи йилларда ўн мартадан кўпроқ йирик (таркибида бир неча юз киши) ва кичик (юз киши атрофида) элчилик миссиялари юборилган[6]. Бу каби элчилар илк ўрта асрлар даврида ҳам фаол хатти-ҳаракат олиб борган бўлиб, 437 йилда Хитой элчисининг ғарбий ўлкаларга ташрифи ва у билан биргаликда (ғарбий ўлкада) 16 та ҳукмдорликнинг, шу жумладан, Чочнинг элчилари ҳам Хитойга ташриф буюрганлиги манбаларда тилга олиб ўтилади[7]. Чоч воҳаси билан олиб борилган элчилик миссияларининг олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан бири – ғарбий ўлкалар билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш имкониётларини ўрганишдан иборат бўлган. Бу жараён минтақанинг шимоли-шарқий ҳудудлари, яъни, деҳқончилик воҳалари аҳолиси ва ҳукмдорликлари муҳим ўринни эгаллайди.

Шарқ мамлакатлари билан ҳар томонлама алоқалар ривожига илк ўрта асрлар даврида минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган жараёнлар билан бир вақтда табиий-экологик вазият ҳам катта аҳамият касб этади. Мазкур давр арафасида Марказий Осиёда содир бўлган экологик инкироз (мил. III-IV



асрлар) Сирдарёнинг ўрта чорвадор қабилалар ўртасидаги энг муҳим воситачи – деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келган қабилаларнинг савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларига қаратилган[8] бу жараёнда эса, Чоч ҳукмдорлиги ҳам асосий ўринга эга бўлган.

Сирдарёнинг ўрта оқими хавзаси ҳамда унинг ўнг ирмоқлари – Чирчиқ ва Оҳангарон воҳалари уч томондан ўзига хос, тақасимон шаклда осмонўпар Тяньшань тоғининг ғарбий тизмалари – Чотқол, Қурама ва Қурама тизмасининг Сирдарёга қадар чўзилган тармоғи Қорамозор тоғлари билан ўралган. Географик жиҳатдан Фарғона ва Талас воҳаларига ўтиш учун жуда қулай довонларга эга бўлган Чоч тоғ ёнбағрилари *чорва* моллари ва зотдор отлар етиштириш учун ҳам анча қулай бўлган. Милодий III асрдан эътиборан, Сирдарё хавзасига туташ бўлган текислик ва тоғ олди ҳудудлари ҳам тўлиқ ўзлаштирилди. Бу эса чорвадор аҳоли ўртасида ўтроқ турмуш-тарзига ўтиш кучайганлигидан далолат берди. Ушбу ҳудудда урбанизацион жараёнларнинг кучайиши ўз навбатида, шаҳар ва шаҳар типигаги йирик ҳунармандчилик ва савдо-сотик марказларининг вужудга келишига олиб келди. Жумладан, Оҳангарон воҳаси бу даврда Чочнинг иқтисодий маркази ҳисобланиб, воҳанинг турли ҳудудларидан кўплаб фойдали қазилмалар Лашкерак кон ҳудудида кумуш, Қизилолмада олтин, Кукрелда мис, Шовгазда темир ҳам ашёси қазиб олинган. Бундан ташқари хомашёни қайта ишлаш марказлари ҳам фаолият олиб борган. Тункат (Илоқ), Туккат (Қулота), ҳозирги Ангрен шаҳри яқинида Номсизтепа, Қўрғонтепа ва Киндиктепа каби йирик ишлаб чиқариш ва савдо-сотик манзиллари ривож топган[9]. Шунингдек, Чоч воҳасида жойлашаган тоғларидан феруза (Хитой манбаларида “сэ-сэ”) тоши кўплаб қазиб олинган. Шарқ мамлакатларида бу тошга “бахт ва ғалабаларга ёрдам берувчи»[10] ҳамда “кўз тегишидан, ёвуз руҳлар ғзабидан, турли заҳарли хашаротлар ва илон-чаёнлардан асровчи тумор” [11] сифатида юқори қадрлашган. Тадқиқотчилар фикрича, феруза қазиб олинган асосий кон Қорамозор тоғининг шимолий қисмида, Унгурлисойнинг ўнг қирғоғида жойлашган, бундан ташқари, Илоқ ҳудудида ҳам бир неча Оқтепа, Гулдуран, Ферузакон каби унча катта бўлмаган конлардан ҳам юқори сифатли феруза қазиб олинган[12]. Феруза Чочнинг нафақат Шарқ мамлакатлари билан олиб борилган савдо-сотик муносабатларида, балки, Суғд шаҳарлари билан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларида ҳам асосий маҳсулотларидан бири бўлган. Жумладан, Ерқўрғон шаҳри ибодатхонаси ҳаробаларида (мил. III-V асрлар қатлами) олиб борилган тадқиқотлар вақтида топилган олтин тақинчоқ қисми (кулон)ни айнан феруза тоши безаб турганлиги аниқланган[13].

Чоч – ўтроқ аҳоли ва кўчманчи қабилаларнинг фаол алоқалари зонасидаги қулай географик минтақада жойлашган бўлиб, қадимги даврларданок Марказий Осиё халқларининг савдо-иқтисодий ва маданий-этник алоқалари ривожига ўзига хос “кўприк” вазифасини ўтаган. Антик давр манбаларига эътибор берадигайи бўлсак, айнан Сирдарёнинг ўрта хавзаси ўтроқ аҳоли ва чорвадор кўчманчи қабилалар ўртасидаги муайян муносабатлар макони бўлганлиги намоён бўлади. Жумладан, Страбон маълумотларига кўра “Яксарт суғдий ва кўчманчиларни ажратиб туради» [14]. Дионисий Перигет эса “Суғдиёнадан сўнг Яксарт оқими бўйлаб камон билан жанг қиладиган, беҳато отувчи энг моҳир камончилар бўлган



саклар яшайдилар”[15] каби муҳим маълумотларни бериб ўтади. Ушбу маълумотларнинг ўзиёқ дашт кўчманчиларининг дехқончилик воҳалари аҳолиси билан ҳар томонлама алоқалари ривожда Чочнинг муҳим ўринга эга бўлганлигини ифода этади. Бундан ташқари, Чоч ва Фарғонанинг ўзаро алоқалари ҳудудда истиқомат қилган кўчманчи чорвадорлар мазор-қўрғонларидан ҳам дехқончилик ҳам чорвадор қабилаларга оид турли манбаларнинг учраши[16] милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида улар ўртасида ўзаро маҳсулот айрибошлаш савдосининг ривож топганлигини тасдиқлайди. Айрибошлаш савдосининг ривожда “Дашт йўли” муҳим аҳамиятга эга бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу жараёнда кўчманчи чорвадор қабилалар тери, мўйна, жун ва жун маҳсулотлари ҳамда гўшт-сут маҳсулотлари эвазига ўтроқ аҳолидан ҳарбий қурол-яроғ ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари айри бошлаганлар[17].

Археологларнинг тадқиқот натижаларига кўра, айнан Тошкент воҳасининг кўчманчи қабилалар (турклар)га туташ ҳудудларига кўчманчилар терини ишлов берилмаган ҳолда олиб келар, кейин эса улар ўтроқ аҳоли томонидан қайта ишланар эди [18].

Юқорида келтирилган маълумотлар мазкур давр савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожда Чоч билан бир вақтда Илоқнинг ҳам алоҳида мавқега эга эканлигини ҳам кўрсатади. Илоқ – Ўрта Осининг икки дарё оралиғининг қадимги урбанизациялашган макони ҳисобланиб, ўз таркибида Чирчиқ дарёси юқори ва ўрта оқимидаги дехқончилик воҳаларининг эгаллаган. Манбаларда минтақанинг мазкур даврида хусусан, Хитой билан савдо-иқтисодий алоқаларида илоқликлар фаол иштирок этганликлари қайд этиб ўтилади [19]. Агар ушбу манбада берилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам “Ғарбда ва Узоқ Шарқда ривожланган буюк цивилизациялар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишида ва тараққий этиб боршида бевосита Марказий Осиё аҳолиси бактрийлар, парфияликлар, хоразмийлар ва энг асосийси чочликлар ва илоқликлар муҳим ўринга эга бўлганлар» [20]. Савдо-иқтисодий алоқаларда ва Чоч тужжорлари Ғарб ва Шарқда ишлаб чиқарилган, ўз даврининг энг харидоргир маҳсулотлари билан бир қаторда маҳаллий хунармандлар томонидан тайёрланган турли хунармандчилик маҳсулотлари билан ҳам савдо-сотик қилганлар. Шунингдек, чочликлар Хитой шаҳарларига ўз цивилизациясининг маданий ютуқларини олиб келишда ва бошқа турли ҳудудларга тарқатишда етакчилик қилганлар [21]. Шарқ мамлакатлари билан олиб борилган савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларда кўчманчи қабилалар муҳим ўрин тутаяди. Бу жараёнда савдо-сотикнинг энг қадимги даврларда шаклланган маҳсулот айрибошлаш тури кенг тарқалган эди. Жумладан, минтақанинг шимоли-шарқий сарҳадлари билан туташ ҳудудларда яшаган кўчманчи қабилалар орасида илоқ хунармандлари томонидан тайёрланган, хайвон суяги ёки шохлари билан безатилган мураккаб шаклдаги камонларни учратиш мумкин. Бу эса ўз навбатида савдо алоқаларида етакчилик қилганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, илк ўрта асрларга келиб Чоч воҳаси ўз тараққиётининг юқори босқичига кўтарилди. Мамлакат пойтахти эса йирик хунармандчилик ва савдо-сотик марказига айланди. Чочнинг халқаро карвон савдоси чорраҳасида жойлашганлиги эса, биринчи навбатда Шарқ мамлакатлари

минтақаси билан савдо-иқтисодий алоқалар олиб боришда фаол иштирок этиш имкониятини яратиб берди. Давроқе, Фарбий Турк хоқонлигининг Чоч воҳасига катта эътибор қаратиб, бу ерда ўз қароргоҳларидан бири – Жабғукатни барпо қилиши, ўз танга-пулларини айнан ушбу воҳада зарб қилдирганлиги, шунингдек, воҳада хоқонлик билан боғлиқ Чоч Тегинлари ва Чоч Тудунлари каби ҳукмдор сулолаларнинг фаолият юритиши натижада бу ер минтақанинг муҳим сиёсий ва маданий марказга айланишига олиб келди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв. н.э.). Нац. биб-ка А. Навои. – Ташкент, 2007. – С. 40-85.
2. Хатамова Н. Турк хоқонларининг Чочдаги қароргоҳлари: Жабғукат ва Ҳотункат. Тошкентнинг 2200 йиллигига // Ўзбекистон тарихи журнали. №2, 2009. – Б.3-14.
3. Stein A.M. A journey of geographical and archaeological exploration in Chinese Turkestan. – London: Geographical society, 1902. – P. 36.
4. Исҳоқов М.М. Сўғд тилида ёзилган ноёб ҳужжатлар // Археологлар хикоя қиладилар. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.31-39.
5. Буряков Ю.Ф. О втором караванном пути из Согда в Шаш // ОНУ – Ташкент, 1972. №3.
6. Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2008. – Б.50-60.
7. Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших Средней Азии в древние времена. Алмааты – Жалынбаспасы, 1998.-С.162.
8. Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э.-VIII в. н.э.-М., 1989. – С.133.
9. Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2008. – Б. 50.
10. Отахўжаев А. Турк – сўғд қарвон йўллари – сиёсий, иқтисодий, маданий ва этник муштарақлик ВШП. Культура и традиции. Прошлое и настоящее: Матер. науч.-теор. конференции. – Ташкент, 2006. – Б.145-151.
11. Беруни Абу Райхан. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). Пер. и прим. А.М.Беленицкого. – Л., 1963. – С.158
12. Семенов А.А. Из области возрений мусульман Средней Азии на качество и значение некоторых благородных камней и минералов // Мир Ислама. Вып.1. СПб., 1912. №3. – С.298.
13. Буряков Ю.Ф. О втором караванном пути из Согда в Шаш // ОНУ. 1972. №3
14. Страбон. География в XII книгах. – М., 1964, XI. – P.8.
15. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н.э.-VII в. н.э. Самарканд-Ташкент, 2000 – С.95.
16. Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Fan va texnologiya. 2008. – Б. 66.
17. Древние авторы о Средней Азии. (VI в. до н.э.-VI в. н.э.). – Ташкент, 1940.



– С.23.

18. Горбунова Н.Г. Роль традиционных путей передвижения скотоводческих племен и сезонных перекочевок в сложении торговых путей в древности // Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. – Ташкент, 1990. – С.33-35.

19. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б.432.

20. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда.–М., 1970. – С.113-123.

21. Shafer E. The golden Peaches of Samarkand. A Studies of Thang Exotics. – Bearcley– Los Angeles, 1963. Есть русский перевод – Шафер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах империи. – М., 1981. – С. 305, 448.

22. Ртвеладзе Э.В. Из истории Великого шелкового пути // Мозийдан садо. – 1999. – №3. –С. 8–13.